

Жаннатга муштоқлар



08:00 / 23.05.2020 2027

Исмоил ибн Наср Абдийдан ривоят қилинади: «Солиҳ Муррийнинг мажлисида бир киши нидо қилиб, шундай деди: «Жаннатга муштоқлар ва уни деб кўз ёш тўкувчилар ўрнидан турсин». Абу Жаҳс ўрнидан туриб, «Эй Солиҳ, **«Биз улар қилган ҳар бир амалга келиб, уни сочилган тўзон (каби фойдасиз) қилиб қўйганмиз. Жаннат аҳли эса у кунда энг яхши қароргоҳ ва энг гўзал оромгоҳларда бўлурлар» (Фурқон сураси, 23-24 оятлар)** оятларини ўқи!» деди. У ўқиди. Абу Жаҳс яна такрорлашни сўради. Солиҳ оятни иккинчи бор ўқиб тугатмасидан Абу Жаҳснинг жони узилди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан